SURXONDARYO VILOYATI BOYSUN TUMAN HOKIMI

QARORI

РЕЩЕНИЕ ХОКИМА БАЙСУНСКОГО РАЙОНА СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

«30» апреля 2020 йил № К-375

2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Бойсун тумани маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Сурхондарё вилоят, Термиз шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори билан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларидан ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари қўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга 2020 йил 16 апрелдан 1 октябрга қадар моддий рағбатлантириш махсус

жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатларни мақбуллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги учун режалаштирилган харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бойсун туманмаҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари Бойсун туман Кенгашига иловага мувофиқ иқтисод қилинган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисмини қоплашга йўналтириш тавсия қилинсин.

4. Туман молия бўлими (Ю.Жўраев) туман ҳокимлиги билан биргаликда барча бюджет ташкилотларида (тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйларидан ташқари):

асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилнинг 1 июлига қадар тўхтатиш (молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно) ва ушбу мақсадлар учун II чоракда режалаштирилган маблағларни қисқартириш ёки 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш;

коммунал хизматлар, озик-овқат, қоғоз ва бошқа канцелярия товарлари харид қилиш, тадбирлар ўтказиш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларни қисқартириш чораларини кўрсин.

5. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (К.Ашуров) тегишли ташкилот ва идоралар ҳамда туман ҳокимлиги билан биргаликда мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан чиқариладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, бир кун муддатда Сурхондарё вилоят Иқтисодий тараққиёт ва кабағалликни қисқартириш бошқармасига киритсин.

6. Мазкур қарор "Бойсун" газетаси ва ҳокимлик расмий веб-сайтида эълон қилиниши таъминлансин.

7. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан кучга киради.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ф.Нормаматов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **А.Жўраев**

Бойсун туман ҳокимининг
2020 йил 30 апрелдаги
1-325 сонли қарорига
Илова

Бойсун туман маҳаллий бюджетидан мақбулланитириладиган харажатлар

(минг сўм)

[illegible]	Мақбулланитириш	Шу жумладан		
		Бюджет ташкилотларида (Соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) апрел-сентябр ойлари учун моддий рағбатлантириш жамғармаси, шу жумладан директор жамғармаси бўйича кўзда тутилган маблағларни мақбулланитириш	Бюджет ташкилотларида (Соғлиқни сақлаш муассасаларидан ташқари) асосий воситаларни сотиб олиш учун кўзда тутилган маблағларни мақбулланитириш ҳисобига	Қарийқин даврида бюджет ташкилотларининг IV-гуруҳ харажатларини (коммунал тўловлар, кўмир сотиб олиш ва марказлашган харажатлардан ташқари) жумладан, озиқ-овқат харажатларидан иқтисод қилиш ҳисобига
Агросаноат мажмуи ташкилотлари	401611,0	72903,0	17040,0	11668,0
Коммунал хўжалик соҳаси ташкилотлари	323556,0	278725,0	39000,0	5831,0
Умумий таълим соҳаси ташкилотлари	335547,0	110186,0	114428,0	110933,0
Маданият соҳаси ташкилотлари	168859,0	153792,0	8995,0	6072,0
Мактабгача таълим соҳаси ташкилотлари	360673,0	28594,0	70909,0	261170,0
Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ташкилотлари	46742,0	26342,0	15750,0	4650,0
Давлат бошқарув органлари	212755,0	199135,0	0,0	13620,0
Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари	186861,0	186861,0	0,0	0,0
ҲАММАСИ	**1736604,0**	**1056538,0**	**266122,0**	**413944,0**